


П.А. ГОНЧАРОВА

Бухоро
зардўзлик
санъати

Золотошвейное
искусство
Бухары

<i>Сўзбоши</i>	5	<i>Предисловие</i>
<i>Кириш</i>	7	<i>Введение</i>
<i>Зардўзлик ҳунарининг ташкил этилиши</i>	9	<i>Организация ремесла</i>
<i>Сарой зардўзлик устахоналари</i>	12, 13	<i>Дворцовые мастерские Частные мастерские</i>
<i>Хусусий устахоналар</i>	14	
<i>Зардўзлик учун зарурий ашё ва асбоб-ускуналар</i>	15, 16	<i>Материалы и инструменты</i>
<i>Маҳсулот ишлаб чиқариш техникаси</i>	19, 21	<i>Техника производства</i>
<i>Зардўзлик нақшлари ва уларнинг тузилишлари</i>	37, 39	<i>Орнамент и композиция</i>
<i>Хотима</i>	47, 50	<i>Заключение</i>



Зардўзлик санъати ўзининг узоқ тарихига эга бўлиб, деярли барча Шарқ мамлакатлари унинг ватани ҳисобланади. Плинийнинг айтишича, Вавилон каштачилиги қадимдан машҳур бўлиб, матога турли рангдаги иплар билан кашта тикишни ўша ерда кашф этишган. Кейинчалик Вавилон Рим империяси таркибига киргач, зар, ипак ёки жун ип қўшиб тикилган ранг-баранг каштачилиги билан шуҳрат қозонган. Зардўзлик санъатининг анъаналари Византияда ҳам ривож топиб, зардўзи кийим-кечаклар фақат император аъёнлари ва аслзодаларигагина мансуб бўлган.

Сосонийлар даврида Эрон подшоҳининг саройида ҳам зардўзлик санъати ривож топган дейишга асос бор, чунки бу мамлакат Византия билан мунтазам маданий ва сийсий ҳамкорлик қилган. Ҳозирги Эронда XV—XVII асрлардаги зардўзлик намуналаридан анчагина ёдгорлик сақланиб қолганлиги бадий анъаналар узоқ йиллар давомида ривожланганлигидан далолат беради.

Қадимги Русь ҳам Византияга тақлид қилиб зардўзлик санъатини ўрганган.

XIII ва XV асрларда Кичик Осиё доирасида пайдо бўлган ҳамда Византия империясини барбод қилган усмонли турклар ҳам ушбу санъатга ўзларининг муносиб улушларини қўшганлар, Қрим ва Кавказнинг қаеридаки Византия маданияти узоқ вақт ва кучли таъсир ўтказган бўлса, ўша ерда зардўзлик ҳам ривожланаверган. Урта Осиёда ҳам зардўзлик санъати, шубҳасиз, ўзининг чуқур илдизига эга. Шу нарса маълумки, масалан, 1403—1406 йилларда Самарқандга саёҳат қилган испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо ўз эсдаликларида, Темур саройида зардўзликнинг миллий кашта безакларини томоша қилганини ёзган. Эсдалик саҳифаларида элчиларини қабул қилиш маросимига бағишлаб ўтказилган дабдалаби зиёфатлар таърифини келтириб ёзар экан, зардўзлик усулида тикилган ашъёларни бир неча бор эслаб ўтади. Зар тикилган кўрпа-тўшаклар, ипак матога зар тақилган қимматбаҳо дарпардалар ва чодирлар ҳақида батафсил ҳикоя этилади. Клавихо эркаклар ва аёлларининг зар ипда тикилган ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган кийимларни ҳақида завқ билан ёзади.

Абдураззоқ Самарқандий ўзининг «Ҳиндистон сафарномаси» рисоласида Шоҳруҳ 1442 йили Ҳиндистоннинг Калькутта вилояти ҳукмдори ҳузурига юборган элчиларидан зардўзи дўппи ҳам совға қилиб бериб юборганини қайд этиб ўтади.

«Ишратхона» мақбараси ҳақидаги 1465 йилги ҳужжатлардан бирида ҳам зардўзлик буюмлари ҳақида эслаб ўтилган экан, «зардўзи тикилган гунафшаранг дастурхон (туя жунидан тўкилган мато) астарни малладан» ва «зардўзи тикилган гунафшаранг дарпарда, астарни малладан» деган сатрларга кўзимиз тушади.

Ҳиротда Алишер Навоий даврида яшаб ижод этган Восифий ўзининг рисолаларида зардўзлик касби тўғрисида сўз юритган. Адабий йиғинларнинг қатнашчилари ҳақида гапирга туриб, Ҳасан зардўз деган бир шахснинг номини алоҳида уқдириб ўтади ва уни Ҳиротнинг энг об-

Искусство шитья золотом по тканям, родиной которого считают Восток, имеет древнюю историю. Вавилон уже в древности был известен своими вышивками и, по словам Плиния, там как раз и был изобретен способ вышивать ткани нитями разных цветов. Впоследствии, когда Вавилон входил в состав Римской империи, он славился пестрыми вышивками золотом, шелком или шерстью. Золотошвейные традиции успешно развивались в Византии, где шитые золотом пышные одежды были принадлежностью императорского двора и придворной знати.

Есть все основания предполагать, что искусство шитья золотом по тканям процветало и при дворе царей сасанидского Ирана, который находился в постоянном культурном и политическом общении с Византией. Современный Иран сохранил нам немало памятников золотого шитья XV—XVII вв., свидетельствующих о высоких художественных традициях, прошедших длительный путь развития.

Искусство шитья золотом по тканям переняла от Византии древняя Русь. Приобщились к этому искусству и турки-османы, появившиеся в пределах Малой Азии в конце XIII в. и в XV в. положившие конец существованию Византийской империи. Искусство шитья золотом мы находим в Крыму и на Кавказе, в тех областях, которые подвергались длительному и мощному воздействию византийской культуры. Что касается Средней Азии, то и здесь искусство шитья золотом несомненно имеет глубокие корни. Известно, например, что оно процветало при дворе Тимура, о чем сообщает испанский посланник Рюи Гонзалес де Клавихо в дневнике путешествия в Самарканд в 1403—1406 гг. На страницах, посвященных описанию ряда пышных празднеств, устроенных правителем по случаю прибытия послов, он несколько раз упоминает шитые золотом предметы. Там были и матрасы из золотошвейных и шелковых тканей, и шитые золотом богатые занавеси и палатки. Подробно рассказывает Клавихо и о мужской и женской одежде, богато украшенной золотым шитьем и драгоценными камнями.

Абду Раззак Самарканди, описывая подарки, отправленные Шахрухом в Индию с посольством, прибывшим в 1442 году ко двору правителя Калькутты, упоминает шитые золотом головные уборы «калла-и-тилло-дузи».

Упоминание о золотом шитье находим мы и в одном из документов 1465 года, относящихся к мавзолею Ишрат-хана. В числе предметов, завешанных мавзолею, упоминается: «скатерть панбарк (ткань с основой из верблюжьей шерсти) фиалкового цвета, золотошитая (тилля-дузи) с подкладкой малля» и «занавеска пан-барк фиалковая, золотошитая с подкладкой малля».

О профессии золотошвей — зардуза во времена Алишера Навоий в Герате упоминает в своих мемуарах Васифи. Рассказывая об участниках литературного собрания, он называет в числе их и некоего Хасана-зардуза, принадлежавшего, по-видимому, к изысканному гератскому обществу «из числа блестящих юношей Герата».

Указание на существование золотого шитья в самой Бухаре в XVII в. мы находим в отчете Бориса и Семена Пазухинных — послов от царя

нигганини даврларга бўлиб чиқариш учун қўлай имконият тугдиради, бу эса то бизнинг кунларгача етиб келган қадимий зардўзлик буюмларини тадқиқ этишда гоят зўр аҳамият касб этади.

Асосий гул ва ишталарнинг ном ва тафсилотлари ҳамда уларни ижро этишнинг техник усулларининг зийраклик билан кузатилган тадрижий ривожланиши бугунги кунда айниқса энг қимматли, энг муҳим омиллардан саналади.

Зардўзликда, асосан, икки турдаги миллий нақш мавжуд: ислимий ва геометрик талқин. Бу икки нақш турининг имкониятлари шу даражада каттаки, улардан сон-саноксиз кўринишидаги кашта ва гуллар ҳосил қилиш мумкин. Ислимий нақшлар аслида гул ва дарахтлар шаклидан келиб чиққан бўлиб, узоқ давр мобайнида у бадий услублар таъсири остида бутунлай ўзгариб кетди, ҳатто ўзининг дастлабки шаклидан бутунлай маҳрум бўлди десак ҳато қилмаймиз. Бухоро қадимий ёдгорликларидаги бежирим нақшлар, маҳобатли равонлар, даб-дабали безаклар зардўзлик санъатида ўз аксини топмай қолмади, албатта.

Альбом тўғрисида гап кетганда рассом Наталья Иванова Вальтер исмини зикр этмасдан ўтиб бўлмайди. Бундаги барча қўлда чизилган расмлар айнан шу рассом мўйқаламига мансубдир.

Н. И. Вальтер 1938 йилдан 1949 йилгача Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида фаолият кўрсатди. Петербург олий бадий билим юрти бағрида Шчусев, В. А. Шчуко каби машҳур рассомлар яратган мактабда олган таҳсилы туфайли у зардўзлик нақшлари учун ўта нафис, маънодор ва этнографик нуқтаи назаридан аниқ бўлган гул ва расмлар яратишга муяссар бўлди. Бухорога боз-боз саёҳат уюштириш, миллий нақшларни диққат ва қўнғ билан ўрганиш бегараз меҳнат — Н. И. Вальтернинг бундай хизматлари эвазига зардўзлик нақшлар хазинаси энг ноёб манбалардан бирига айланди. Гап шундаки, асрлар мобайнида миллий нақшлар, кашта турлари аллақачон халқ ёдидан фаромуш бўлиб, фақат мана шу расмлардагина яшаб келаётир.

Зардўзликка тегишли сўзларнинг хийла тўлиқ бўлган сўзлик ҳам альбомнинг қимматини оширишга хизмат этиши шубҳасиз. Муаллиф ўзининг чиндан кўп йиллик заргарона меҳнатини шу сўзлик билан якунлар экан, бу ҳозирги замон зардўз усталар, Ўзбекистон халқ санъатининг барча тадқиқотчилари, амалий санъат мухлислари учун бебаҳо манба бўлиб қолишига асло шубҳа қилмайди.

Д. Г. Зильпер, Т. А. Тургунов.



Уста Амонджон Мажидов.
Уста Омонжон Мажидов.

ще всего от цветов и деревьев, но, пройдя длительный путь развития, они стилизовались, геометризировались и зачастую теряли свою первоначальную форму. На искусстве золотого шитья сказывается влияние архитектуры Бухары с их четкими членениями объемов, полукружиями арок и пышным декоративным убранством.

Говоря об этом альбоме, нельзя не назвать имя художницы Натальи Ивановны Вальтер. Все рисованные иллюстрации в альбоме сделаны ею.

Н. И. Вальтер с 1938 по 1949 год работала в Государственном музее искусства УзССР. Школа живописи, которую она прошла в Петербурге в высшем художественном училище у таких художников как Щусев, Шчуко, дала возможность ей создать такие выразительные и этнографически точные рисунки орнаментов золотого шитья. Многократные экспедиции в Бухару, тщательное изучение орнаментики, бескорыстный труд Н. И. Вальтер — все это сделало таблицы золотого шитья уникальным материалом. Ведь многие орнаментальные мотивы, узоры давно забыты и существуют только на этих рисунках.

К несомненным достоинствам альбома относится и наиболее полный словарь золотошвейных терминов, которым автор завершает свой многолетний кропотливый труд, являющийся, несомненно, ценным материалом и для современных мастеров золотошвейев, для всех исследователей народного искусства Узбекистана, для всех любителей декоративно-прикладного искусства.

Д. Г. Зильпер, Т. А. Тургунов.



Уста Файзулло Гайбуллаев.
Уста Файзулло Гайбуллаев.

Узбекистон ССР санъат музейининг энг кекса ходими Полина Андреевна Гончарова томонидан тузилган мазкур «Бухоро зардўзлик санъати» альбоми XIX ва XX аср бошларида Узбекистон халқлари санъатининг энг тараққий этган тури — Бухоро зардўзлигига бағишлангандир.

Анча қадимги давр зардўзлиги намуналари бизгача етиб келмаган. Бироқ ёзма адабиёт манбаъларида санъатнинг бу тури XIV асрда ҳам мавжудлиги, эрамининг VI—VII асрларига оид деворий расмлардаги ажойиб нақшу нигорлар эса зардўзлик илк ўрта асрларда ҳам ривож топганлиги ҳақида дарак берадилар. XIX асрга келиб зардўзлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш Бухоро амирлигининг пойтахти Бухоро шаҳрида ўзининг умумий марказига эга бўлиб, у, давтавал, амир, сарой зодагонлари ва жамиятнинг олий табақаси талабини қондириш учун хизмат қилган.

Муаллиф музейга Бухоро пошшолик ва хусусий устоналарнинг зардўзлик буюмлари келтира бошланган ва тадқиқот ишлари учун имконият пайдо бўлгандан кейин 1920 йилда ўз ишини бошлайди ва 1940 йилларнинг ўрта-сига келиб ниҳоялайди.

П. А. Гончарова зардўзликни этнографик ва санъатшунослик нуқтаи назаридан атрофлича ўрганиб чиққан ва илмий таъриф берган биринчи олимдир. У ғоятда бой музей ашёлари йиғноғидан, адабий манбалардан унумли фойдаланди. Барҳаёт уста авлодлардан бебаҳо маълумотларни эринмай тўплади ва бу машаққатли ишда шахсан Файзулла Ғайбуллаев ва Умар Ҳайитовлар билан учрашиб, уларнинг ёрдамига таянди. Бу эса зардўзлик саноатини бутун иқир-чиқиргача батафсил ўрганиш учун имконият яратди. Назаримизда, зардўзлар ҳаёти ва ижодий фаолиятининг ҳеч бир жиҳати куюнчак тадқиқотчининг диққатидан қочиб қутулмагандек туюлади. Альбом ёзиб тугатилгандан кейин ўтган йиллар мобайнида Бухоро зардўзлиги оид маълумотлар берувчи боблари бўлган китоб ва мақолалар чоп этилганига қарамай, материаллари қамровининг теранлиги бўйича П. А. Гончарова тузган альбом ўз аҳамиятини йўқотмаслиги у ёқда турсин, балки, аксинча, яна ҳам қиммат ва қадр касб этиб бораверади.

Муаллиф зардўзлар цехининг ташкил этилишини, уни бошқариш тарз-тариқаларини батафсил тасвирлаб беради, шогирдлик ҳақида ҳамда усталикка оқ фотиҳа олиш маросимлари хусусида маълумотлар келтиради. Зардўзлар яшайдиган жойлар, улар ишлаб чиқарган молларнинг сотилиши ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотлар ғоят қизиқарлидир. Зардўзлик молларига амир саройининг асосий буюртмачи бўлиш омили пошшолик устоналарининг келиб чиқишига сабаб бўлди. Альбомда устоналар тарихи, ишловчилар миқдори келтириб ўтилади ҳамда ҳар бир устона раҳбарининг исми ва лавозими бир-бир санаб чиқилади. Зардўзлар меҳнат ҳақи системасини таҳлил этар экан, муаллиф устоналардаги раҳбарлар, устозлар ва шогирдлар аҳволининг қандай ижтимоий даража касб этганини айтиб ўтади.

Пошшолик устоналари билан бир қаторда ўзига хос тартиб ва маҳсулот турларига эга бўлган хусусий устоналар ҳам бўлган. Хусусий устоналарнинг сарой буюртмаларига муҳтожлиги ва буюртмаларни адо этиш борасидаги чидаб бўлмас шартлар бу маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ер эгалиги давридаги хусусиятларини фош этувчи омиллardan ҳисобланади.

Зардўзликда истифода этиладиган асбоб-ускуналар, зар ва кумуш иплар ва уларнинг Ўрта Осиёга олиб келиниши ҳақидаги маълумотлар ўқувчида зўр қизиқиш уйғотади. Зар ипларнинг қачон ва қаерда ишлаб чиқарилиши ва қўлланиши борасидаги ашёвий далиллар муаллиф учун зар ипларнинг қай тур ва қай асосларда фойдала-

Альбом «Золотошвейное искусство Бухары», составленный старейшей сотрудницей Государственного музея искусств УзССР Полиной Андреевной Гончаровой, посвящен одному из высокоразвитых видов народного искусства Узбекистана XIX — начала XX вв. — золотому шитью Бухары.

Золотое шитье более ранних времен не сохранилось. Но письменные источники сообщают о нем уже в XIV веке, а узоры и красочная палитра настенных росписей VI—VII веков нашей эры указывают на существование золотого шитья в раннем средневековье. К XIX веку золотошвейное производство сосредоточилось в столице Бухарского эмирата — Бухаре, где оно прежде всего призвано было обслуживать эмира, дворцовую знать и высшие слои общества.

Автор начала работу над материалами в 1920-х годах, когда поступили в музей и стали доступны изучению золотошвейные изделия дворцовых и частных мастерских Бухары, работа была завершена в середине 1940-х годов.

П. А. Гончарова впервые изучила и дала этнографическое и искусствоведческое описание золотому шитью. Ею использовался богатейший материал музейных собраний, литературных источников. Неценимые сведения она черпнула от потомственных мастеров, и особенно помогли ей встречи с Файзуллой Райбуллаевым и Умаром Хаятовым. Все это позволило очень обстоятельно обрисовать картину золотошвейного промысла. Кажется, ни одна сторона жизни и деятельности золотошвейцев не выпала из поля зрения исследовательницы. И, несмотря на то, что в последующие после написания альбома годы вышли статьи и книги с главами, приводящими определенные сведения по золотому шитью Бухары, альбом П. А. Гончаровой по глубине охвата материала не теряет своего значения, а, наоборот, предстает во всей своей необходимости и значимости.

Автор подробно описывает цеховую организацию золотошвейцев, систему его руководства, приводит сведения об ученичестве и обряде посвящения в мастера. Интересны данные о топографии расселения золотошвейцев, о сбыте золотошвейных изделий и т. д. Основным заказчиком золотого шитья был эмирский двор, что привело к возникновению дворцовых мастерских. В альбоме излагается история мастерских, численный состав, перечисляются по именам руководители мастерских, их обязанности. Рассматривая систему оплаты труда золотошвейцев, автор отмечает четкую социальную дифференцированность положения в мастерских руководителей, мастеров и учеников.

Наряду с дворцовыми мастерскими, существовали частные, со своеобразным укладом и ассортиментом продукции. Зависимость частных мастерских от заказов двора и условия, на которых они выполнялись, обнажают феодальную специфику этого производства.

Большой интерес представляют приводимые сведения об инструментарии золотошвейцев, используемых ими тканей, золотых и серебряных нитях, об импорте нитей в Среднюю Азию. Изучение золотых нитей на точно датированных вещах дало П. А. Гончаровой возможность наметить периодизацию употребления видов и основ золотых нитей, что чрезвычайно важно при изучении дошедших до наших дней старинных золотошвейных изделий. Столь же ценны и важные названия и описания основных швов-узоров и четко прослеженная эволюция технических приемов их выполнения.

В золотом шитье существуют, в основном, два вида орнамента: растительный и геометрический со всевозможными вариациями. Каждый элемент узора имеет свое название. Растительные мотивы берут свое название ча-

нинг кўпчилиги 1895 йилдан 1911 йилгача хукмронлик қилган Абдулахадга мансубдир, зеро бухоролик каштачиларнинг зардўзлик санъати шу даврда гуллаб яшлаган деб ҳисобланади.

Бухорода зардўзлик 1920 йил амир тахтдан ағдарилгунча расмий жиҳатдан сарой санъати ҳисобланарди. Бу шаҳарда тайёрланадиган зардўзи буюмларнинг деярли ҳаммасини эгаллаб олган катта буюртмачини йўқотгач, табийки, зардўзлик корхоналари кескин камайиб кетди. Зардўзчилар Совет ҳокимияти ўрнатилгани биланоқ дарров ҳунармандчилик артелларига бирлашиб, майда буюмлар, дўппилар ва аёлларнинг айрим кийим-кечакларини тайёрлашга киришдилар.

Революциянинг биринчи йилларидаги оғирликларга қарамай, зардўз усталар ва уларнинг шогирдлари санъатларидан ажойиб намуналар яратдилар, унга янгича мазмун, янгича сайқал, янгича композиция бердилар.

Революциягача зардўзликда мутлақо иштирок этмаган хотин-қизлар зардўзлик артелларига жон деб аъзо бўлиб, тажрибали уста каштачилар кўмагида зардўзлик санъатини тезда ўрганиб олдилар. Каштачилик санъатининг тажрибали устаси, истеъодли гулкор уста Омонжон Мажидов ва қўли гул каштачи уста Файзулло Гайбуллаевлар артелга келган ёшлар, айниқса, аёллардан моҳир каштадўзлар етишиб чиқишида ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

Зардўзлик ҳунарининг ташкил этилиши

Революциягача Бухорода ҳаммаси бўлиб 300 дан 350 нафаргача зардўз уста ишлаганлиги маълум. Урта Осиёнинг бошқа ҳунармандлари сингари зардўзлар ҳам ўрта аср ҳунари ширкатлари кўринишидаги махсус ташкилотга уюшган эдилар. Зардўзлар ишлари устидан назорат ўрнатувчи бу ташкилот ўзининг сайланувчи маъмуриятига эга бўлиб, барча расм-русумларга ва урф-одатларга изчил амал қилар, тантана ва йиғилишлар ўтказиб турар эди. Булардан ташқари, у кўпроқ диний руҳдаги баъзи қоидалар мажмуасини ҳамда зардўзлик ҳунарининг келиб чиқиши ҳақидаги афсонавий ривоятларни ўз ичига олган, мазмун эътибори билан цех уставига ўхшаб кетадиган ўз рисоласига ҳам эга эди.

Амирликнинг ағдарилишига қадар Бухорода мавжуд бўлган феодал даври ишлаб чиқариш муносабатларига хос бу барқарор корпорациясиз зардўзлик ҳунарининг қарор топишини тасаввур этиш қийин эди. Цех уюшмаларига кирувчи усталар ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам маънавий муносабатлар жиҳатдан бир-бири билан узвий боғлиқ эдилар. Бунга уларнинг бир-бирлари билан ён қўшни, жон қўшни бўлиб истиқомат қилганликлари ҳам сабаб бўлган бўлиши мумкин. Зардўзларнинг кўпчилиги шаҳарнинг жануби-ғарби қисмида, Мирдўстумбий гузариде ва теварак-атрофдаги гузарларда яшар эдилар. Бозорбол буюмлар тайёрлайдиган устахоналарнинг катта қисми айнан шу Мирдўстумбий гузариде жойлашган эди.

Амирнинг сарой устахоналарига қарашли усталар билан бир қаторда хусусий устахоналарнинг эгалари ҳамда уларга ёлланиб ишловчи халфалар ҳам мазкур цех уюшмалари таркибига кирар эди.

новная же их масса относится ко времени Абдулахад-хана, правившего с 1895 по 1911 годы, когда, как считают бухарские вышивальщики, золотошвейное искусство достигло наибольшего расцвета.

Золотое шитье Бухары, как официальное придворное искусство, просуществовало до свержения бухарского эмирата в 1920 году. С потерей крупного заказчика, поглощавшего почти всю золотошвейную продукцию Бухары, золотошвейное производство, естественно, сильно сократилось. Вышивальщики золотом, сразу же после установления Советской власти объединенные в промышленную артель, перешли на изготовление исключительно мелких изделий — головных уборов — тюбетеек и некоторых принадлежностей женской одежды. Использовать они стали менее дорогой и значительно худшего качества материалы. Но даже в трудных для зардузов условиях первых послереволюционных лет старые мастера и их молодые ученики продолжали творить прекрасные образцы своего искусства, вкладывая в него новое содержание, создавая новые мотивы орнаментов и новые композиции. Молодые женщины и девушки, которые до революции, в силу специфических особенностей золотошвейного производства, участия в нем почти не принимали, охотно вступали во вновь организованную золотошвейную артель и быстро осваивали искусство золотого шитья под руководством опытных мастеров-вышивальщиков. Такие старейшие мастера вышивального искусства, как талантливый рисовальщик Усто-Амонджон Маджитов и искусный вышивальщик Усто Файзулло Гайбуллаев сыграли большую роль в подготовке кадров из пришедшей в артель молодежи и, главным образом, женщин.

Организация ремесла

Вышивальщики золотом — зардузы, которых в Бухаре к моменту революции насчитывалось от 300 до 350 человек, подобно другим среднеазиатским ремесленникам, объединялись в особую организацию типа средневековых ремесленных цехов. Эта организация имела свою выборную администрацию, ведавшую делами золотошвейцев, соблюдала свои особые обычаи и обряды, устраивала праздники и собрания и, наконец, имела свою «рисоля» (буквально — послание) — нечто вроде цехового устава, содержавшего легендарные предания о возникновении ремесла и некоторые наставления, преимущественно религиозного характера.

Вне этой прочно установившейся корпорации, типичной для феодальных производственных отношений, державшихся в Бухаре до самого свержения эмирата, занятие золотошвейным ремеслом вряд ли было возможно. Мастера, входившие в цеховую организацию, были крепко связаны друг с другом и в экономическом, и в бытовом отношениях. Можно установить и некоторые признаки территориальной связи: большая часть мастеров-золотошвейцев проживала в юго-западной части города в гузаре Мир-Дустумбий и в находившихся неподалеку других гузарах. В том же гузаре Мир-Дустумбий располагалась и большая часть золотошвейных мастерских, работавших на рынок.

В цеховую организацию золотошвейцев входили одинаково как мастера, состоявшие в придвор-

рўли, «истиқболли порлоқ ёшлари» қаторидан ўрин олганлигини айтади.

Подшоҳ Алексей Михайловичнинг Абдулазиз-хон ҳузурига юборган элчилари (1669—1671 й) Борис ва Семен Пазуханларнинг ҳисоботида ёзилишича: элчилар Бухородан жўнаш олдидан зардўзи чопон, телпак ва белбоғ совға олганлар. Бу эса зардўзлик Бухорода XVII асрдаёқ ривож топганлигидан далолат беради.

XVII асрнинг охирида яшаган самарқандлик шоир Фитратнинг асосий касби зардўзлик бўлиб, у зар ип билан матоларга кашта тиккан. Шундай қилиб ҳозирги кунгача Бухорода сақланиб келаётган каштачилик санъатининг ўзига хос ва қизиқарли бу тури гоят узоқ давр мобайнида сайқал топган ва такомиллаша борган. Бухоролик зардўзи усталарининг ўзига хос сермазми нақшлари, гоят нафис техник услублари, мукамал терминологияси, узоқ даврлар мобайнида сайқал топган ранг-баранг чокларини назарда тутсақ бу санъатнинг тарихий ривожланиш жараёнини тўлароқ тасаввур этишимизга имкон беради.

XIX ва XX аср бошларида каштачилик санъатининг бир тури бўлган зардўзлик Бухоронинг ўзига хос хусусиятини ақс эттирган.

Мазмуни жиҳатидан халқчил бўлган ва қимматбаҳо матодан тайёрланган зардўзи кийимлар маҳаллий аҳолининг турли табақалари ўртасида кенг тарқалган ипак ип билан кашта тикишга қараганда нозик дидни талаб қилган. Бу кийим-кечаклар асосан амир саройидагиларнинг эҳтиёжи учун тикилган, баъзангина шаҳардаги бой аёнлар учун тайёрланганлар.

Ота-бобосидан мерос бўлган каштачилик касби билан шуғулланган юзлаб қўли гул усталар Бухоро эмирининг ҳашаматли саройидаги қимматбаҳо зардўзи кийимларни тайёрлаш билан банд эдилар.

Бухоро зардўзи ашёларининг деярли ҳаммаси амир саройининг эҳтиёжи учун ишлатиларди, фақат жуда оз миқдоригина сотиш учун бозорга чиқариларди.

Эркакларнинг зар билан тикилган тўн, камзул, чакмон, чалвор, пойафзал, белбоғ, салла, кулоҳ ва жул фақат хонга ва унинг буюртмаси ёки яқинлари томонидан биронта оилавий тантана ёки байрам муносабати билан тайёрлаш буюрилади. Ҳеч ким, ҳатто энг катта амалдорлардан биронтаси ҳам юқорида айтиб ўтилган кийимлардан ҳеч бирини ўзига буюртиришга ҳақи йўқ эди, улар зарбофт кийимларни амир совға қилгандагина кийишлари мумкин эди.

Аёллар ва болаларнинг зардўзи кийимлари фақат бадавлат хонадонларнинг аъзоларигагина кийиш расм бўлган. Бу кийимларни улар биронта оилавий тантана ёки байрам муносабати билан кийишган. Бой хонадонларнинг 8—10 ёшдан катта бўлмаган ўғил болаларига суинат тўйи муносабати билан зарбофт тўн кийдиришган.

XIX ва XX аср бошларида, яъни 1785 йилдан то 1920 йилгача Бухорода ҳукмронлик қилган мангитларнинг охириги сулоласига тааллуқли бўлган зардўзи кийимлари ҳозирги кунда бизгача етиб келган ягона ёдгорлик нусхалардир.

Мангитларнинг биринчи сулоласи вакилларига мансуб бўлган зардўзи ашёлар бизгача деярли етиб келмаган. Аммо Ҳайдар (1800—1826 й) замонидан ягона ёдгорлик сифатида зардўзи маҳси сақланиб қолган. Маҳсига 1224 й рақами тикилган, бу мелоднинг 1809—1810 йилларига тўғри келади. Мазкур рақамнинг учраши шу пайтгача зардўзи кийимларда рўй берган ягона ҳолдир.

Амир Насруллодан (1827—1860 й) анчагина зардўзи кийимлар сақланиб қолган. Буюмлар-

Алексея Михайловича к Абдулазиз-хану в 1669—1671 гг., где говорится, что перед отъездом из Бухары послы получили подарки — «шитый золотом кафтан, чалму и кушак».

По-видимому, к концу XVII в. относится время жизни самаркандского поэта Фитратта-зардуза, профессией которого было вышивание золотом. Так, в самых общих чертах устанавливается длительный путь развития этого своеобразного и интересного вида вышивального искусства, сохранившегося до наших дней в Бухаре. С учетом исторического процесса развития этого искусства нам становятся понятными и богатая своеобразная орнаментика бухарского золотого шитья, и до тонкости разработанные технические приемы, и подробная терминология, и обилие разнообразнейших швов, которые могли быть разработаны только на протяжении длительного периода времени. В XIX — начале XX вв. золотое шитье — зардузи — один из видов вышивального искусства — представляло специфическую особенность Бухары. В противоположность вышивкам шелками, широко бытовавшим среди различных слоев местного населения, золотое шитье — искусство, глубоко народное по своему содержанию, в силу своей пышности и дороговизны материалов носило характер официального придворного искусства, предназначенного обслуживать нужды эмирского двора и придворной знати и лишь в некоторой степени зажиточные слои городского населения.

Сотни искусных потомственных мастеров-вышивальщиков были заняты изготовлением богатых золотошвейных одежд, которые являлись принадлежностью пышного придворного этикета бухарских эмиров. Почти вся золотошвейная продукция Бухары потреблялась эмирским двором, и только незначительная ее часть поступала для продажи на рынок.

Шитая золотом мужская одежда — халаты, камзолы, мундиры, шаровары, обувь, пояса, головные уборы — «салля» (чалма) и «кулях» (высокая остроконечная шапочка, одевавшаяся под чалму), а также попоны для лошадей изготовлялись только для самого эмира и по его заказу или по заказу его приближенных для подношения ему по случаю семейных торжеств и праздников. Никто, даже из самых высших сановников государства, не мог заказать для себя ни одного из упомянутых выше предметов — вся шитая золотом одежда получалась ими в виде подарков от самого эмира, и только ее они могли носить.

Шитая золотом женская и детская одежда бытовала исключительно среди зажиточных слоев населения. Одевали ее главным образом на больших семейных торжествах и по праздникам. Мальчики могли носить золотошвейную одежду только в возрасте не старше 8—10 лет и только в особо торжественных случаях.

Все памятники золотого шитья, которыми мы в настоящее время располагаем, относятся, за единичными исключениями, к XIX и началу XX вв. — ко времени последней мангитской династии, правившей в Бухаре с 1785 по 1920 годы.

Предметов золотого шитья, относящихся к первым представителям мангитской династии, до нас почти не дошло. Единственным памятником, сохранившимся от времени эмира Хайдара (1800—1826 гг.), являются шитые золотом «махси» — сапоги с вышитой на них датой — «1224 год хиджры», что соответствовало 1809—1810 гг. н. э. Это единственный встреченный нами случай датировки золотошвейного изделия. Множество предметов золотого шитья сохранилось от эмира Насрулло (1827—1860 гг.), ос-

пайтгача узлуксиз ишлаб келган сарой устахонаси фаолияти тўхтади. Сарой буюртмаларини аввал хусусий усталар, кейин эса Карманда қайта ташкил этилган Чорбоғигул саройи қошидаги устахонада бажарилган. Фақат орадан йигирма йил ўтгач, 1915 йилдан мангитлар сулоласининг сўйиги вакили Олимхон даврида Бухорода Кушбеги Мирзо Урганжийнинг уйида пошшолик устахонаси очилди.

Пошшолик зардўзлик устахонаси кушбеги ихтиёрида бўлган. Буюмлар миқдорининг қанча бўлишидан қатъий назар ҳар бир устахонада кунда йигирмадан қирқ кишигача ишлаган. Устахонага тажрибали уста бошчилик қилиб, уни **устақор** деганлар. У энг малакали зардўзлар ичидан танилаб олиниб, кушбеги томонидан тасдиқланган. Устақор одатда, тарҳкашлардан сайланган. Гул тикиш санъатида **қоровулбеги** унвонига сазовор бўлган уста Салим узоқ йиллар устақорлик лавозимида ишлаган. Бундан ташқари бирин-кетин бу лавозимда ишлаган уста Шонддин ҳамда Салимнинг укаси уста Абдушукур ҳам тарҳкаш бўлган. Қози Бадриддин устахонасида бу вазифани машҳур тарҳкаш Уста Амонжон адо этган. Устақор устахонадаги барча ишлар учун масъул шахс ҳисобланган. У уста зардўзларга иш бериб, иш олган, буюртмаларининг бажарилиши муддати ва иш сифатини кузатиб борган, тикиш учун зарур ашёларни тарқатган (барқут, шойи, ип ва ҳоказо). Фақат калёбатун деб аталувчи энг қимматбаҳо зар ип кушбеги идораси ичидан тайинланган махсус шахс — **мирзо калёбатунчи** ихтиёрида бўлган. Ишчи ёллаш ва уни бўшатиш ҳуқуқи ҳам унга мансуб бўлган.

Гулбур деб аталувчи гул кесувчи мутахассис пошшолик устахонасида асосий кишилардан саналган. Асар ҳолда бу ҳам ўша тарҳкашлар ичидан чиққан **сарқорчубадаркаш** деган чамбарак ясовчи мутахассислар улардан кейин иккинчи ўринда турган. Матога чамбарак ясаш ва гул тарҳини тушириш энг масъулиятли ва мураккаб иш ҳисобланган. Дастлаб тарҳкашлар назорати остида бу ишни тажрибали зардўзлар бажаришган. Кейинчалик улар ичидан фақат чамбарак ёки керги ясаш билан шуғулланувчи кишилар ажралиб чиққан. Ундан кейин оддий усталар, зардўз халфалар келган. Ҳар бир пошшолик устахонасида бир-иккитадан шогирд бўлган. Улар, одатда, устақорнинг ўз отаси ичидан ёки унинг қариндош-уруғларидан бўлган.

Пошшолик устахоналарида азондан шомгача иш қизғин бўлган. Усталар, малакаларига кўра, бир кунга бир ёки икки танга иш ҳақи олганлар. 1894 йилдан бошлаб ўзаро рақобатларда бўлган хусусий корчалонлар пошшолик буюртмаларини бажара бошлаган зардўзларнинг иш ҳақини бир кунга аввал 4, 1914 йилда эса 5,5, кейинчалик эса 10 тангагача оширишган. Иш ҳақидан ташқари усталарга иссиқ овқат ҳам берилган. Усталарнинг иш ҳақи малакали зардўзларнинг иш ҳақидан фарқ қилмаган. Гоҳ-гоҳ улуг айём кунлари муносабати билан ёки бирор катта буюртманинг тугалланиши муносабати билан оқсоқол сингари усталарга ҳам пул ва буюмлар ҳадя этилган, баъзида унвонни оширган. Бу унвонга улар ёрлик орқали сазовор бўлганлар. Бундан ташқари устақор ҳуқумат томонидан озиқ-овқат билан таъминланган. Молларига ҳам емиш берилган. Уларни **хатчўби нон** (нонга), **хатчўби гўшт** (гўшга) ва ҳоказо деб махсус тахтачаларга ўйиб ёзилган. Оддий зардўз устага иш ҳақидан бошқа ҳеч вақо берилмаган. Амир учун шоҳона либос тикилган ҳоллардагина уларга атлас тўн билан каллақанд инъом қилинган. Янги шо-

ем. Оқончив чтение и получив от присутствующих небольшое вознаграждение, чтец, напутствуемый благословениями, направлялся в следующую мастерскую.

Дворцовые мастерские Частные мастерские

Дворцовые мастерские располагались в Бухарском Арке, в казенных зданиях, в домах высших государственных должностных лиц и содержались за счет эмирской казны.

В 1860—1895 гг. была только одна мастерская в Арке, позднее в 1885—1911 гг. их стало две: одна по-прежнему размещалась в Арке — при казенной квартире кушбеги, являвшегося как бы первым министром государства, другая находилась неподалеку от Арка — в казенном доме закотчи — второго по значению чиновника эмира, ведавшего финансами и сбором податей.

На правах дворцовой мастерской существовала временная золотошвейная мастерская в доме казы-каляна — верховного судьи — Казы Бадреддина. Она была организована с разрешения эмира, в связи с семейным торжеством по случаю обрезания (суннат-туй) одного из сыновей казы-каляна. Обряд сопровождался празднеством с подношением эмиру богатых подарков (саврини-туй), в число которых входило большое количество всевозможных золотошвейных изделий, вплоть до халата, украшенного шитьем и драгоценными камнями. Мастерская у Казы Бадреддина функционировала и впоследствии в тех случаях, когда предстояло торжество и нужно было приготовить подарки эмиру. В каждом случае испрашивалось особое разрешение эмира на право изготовления подношения ему в своем доме. Вместе с разрешением посылались и мастера из дворцовых мастерских.

Работали дворцовые мастерские почти бесперебойно до 1894 года, когда в связи с переездом Абдулахад-хана на постоянное жительство в Кермине они были закрыты. Все дворцовые заказы стали выполнять сначала частные мастерские, а затем вновь организованная мастерская при дворце Чорбоги-гуль в Кермине. И только двадцать с лишним лет спустя, в 1915 г. при Алимхане — последнем представителе мангитской династии — снова открылась в Бухаре дворцовая мастерская в доме закотчи, которым был тогда некто Мирзо Урганджи.

Дворцовые золотошвейные мастерские находились в ведении кушбеги. В каждой мастерской работало ежедневно от 20 до 40 человек, в зависимости от количества заказов. Во главе мастерской стоял опытный мастер «усто-кор», который выбирался самими мастерами из числа наиболее квалифицированных высшвальщиков. В этом звании его утверждал кушбег.

На должность усто-кора избирались по большей части специалисты по составлению рисунков для шитья — «тархкаш». В течение многих лет усто-кором был талантливый рисовальщик Усто Салим, получивший чин караулбеги за свое искусство рисования узоров. При доме закотчи усто-корами также были рисовальщики, сменявшие один другого, — Усто Шоуддин и Усто Абду Шукур — брат Салима караулбеги. В мастерской Казы Бадреддина эту должность исполнял известный рисовальщик Усто-Амонд-

Баъзи ҳолларда бечораҳол шогирдларини узатар чоғида уста уларга ишни осон бошлашлари учун керги (чамбарак), қайчи, тайёр гул сингарии ашё ва буюмлардан бериб юборган.

Борди-ю, оқ фотиҳа олган шогирд иқтисодий жиҳатдан почор бўлиб, мустақил иш бошлашга кўзи етмаса, устозиникида қолиб ишлашни сўраган. Бундай ҳолда унга халфа тарзида ишлаш ҳуқуқи берилиб, ҳар иккала томон ана шу шарт асосида иш ҳақини келишиб олган.

Феодализм давридаги ҳар қандай хунармандчилик сингарии зардўзлик ҳам муқаддас саналган. Гўёки, зардўзликнинг келиб чиқиши ҳам илоҳиёна эмиш: Ҳазрати Юсуф энг биринчи уста зардўз ва энг биринчи устоз, гоийбона ҳомий ва пир бўлган эмиш. Бу ҳақда унча катта бўлмаган рисола мавжуд бўлиб, унда бу касбининг келиб чиқиши, қодалари, ҳар бир ишни бошлашдан олдин ўқиладиган дуолар берилган. Зардўзлик касбининг ҳомийси «арвоҳи пир»га сингишиш узоқ вақтгача қонда бўлиб келди. Илк баҳор кунларида, хусусан «гули сурх» айёмида ҳамма зардўзлар Бухоро яқинидаги Баҳовуддин қишлоғига келиб, пирнинг ҳаққига қўй сўйиб, худойи қилганлар.

Уста зардўзларининг айтишича, яқин-яқингача «пирзода»лар бўлиб, уларни «рисолачи» дейишган. Ҳафтада икки марта, якшанба ва пайшанба кунлари рисолачи барча зардўзлик устахоналарини айланаб чиққан ва одамларни тўплаб, рисола ўқиган, ўқиганларини тафсиллаб берган. Одатда, қироатхонлик дастурхон устида давом этган. Қироатдан кейин рисолачи тингловчилардан тушган унча-мунча назр-ниёзни белбоғига туккан-да, фотиҳа ўқиб, навбатдаги устахонага йўл олган.

Сарой зардўзлик устахоналари

Сарой зардўзлик устахоналари Бухоро аркида, пошшоллик биноларида, олий давлат амалдорларининг ҳовлиларида жойлашган бўлиб, улар амир хазинаси томонидан таъминлаб турилган.

1860—1885 йиллар мобайнида аркада бор-йўғи битта зардўзлик устахонаси мавжуд эди, кейинчалик эса 1885—1911 йиллар давомида бунинг устига яна битта устахона қўшилди. Дастлабкиси ҳамон ўша арк ичида, давлатнинг бош вазири ҳисобланган қушбегининг пошшоллик уйида бўлиб, иккинчиси вазирдан кейинги ўринда турувчи йирик амалдор, амирнинг молия ва солиқ ишларини юритувчи закотчининг пошшоллик уйида жойлашган эди.

Қози калон Қози Бадриддиннинг уйига жойлашган муваққат зардўзлик устахонаси ҳам сарой устахоналари даражасидаги ҳуқуққа эга эди. Бу устахона қози калоннинг ўғилларидан бирининг хатна тўйи муносабати билан шоҳ руҳсатиға биноан ташкил этилган эди. Тўйда шоҳга соврини тўй, яъни кўпдан-кўп совгалар ҳадя этилган. Булар ичида қимматбаҳо тошлар ва зарлар билан тикилган зарбофт тўндан тортиб неча турлик зардўзлик буюмлари ҳам бор эди. Бирон бир тантанали маросим ўтказиш ёки амирга совға-салом тайёрлаш лозим бўлиб қолган дамларда кейинчалик ҳам Қози Бадриддиннинг устахонасидан фойдаланилган. Ҳар сафар ўз уйида совға-салом тайёрлаш учун амирдан махсус руҳсатнома олинган эди.

Амир Абдулаҳаднинг 1894 йилда Қарманга бутунлай кўчиб ўтиши муносабати билан шу

даёт ученику разрешительную молитву на право самостоятельного занятия ремеслом, или же назначить ему плату за труд. Последняя в подобных случаях всегда была ниже платы, которую получали наемные рабочие — халфа, имевшие право на самостоятельное занятие ремеслом.

В отдельных случаях наиболее способным ученикам, сумевшим в сравнительно короткое время овладеть искусством золотого шитья, мастер во избежание конфликтов разрешал время от времени работать на стороне, причем большая часть заработной платы такого ученика шла в пользу мастера и только малая толика самому ученику.

По окончании срока обучения ученик получал от мастера разрешение на самостоятельное занятие ремеслом. Отпуск ученика сопровождался обрядом «арвохи-пир-миои-бандон» — поминование духов, покровителей ремесла, посвящение в мастерство, — который устраивался на средства ученика в его доме, где собирались приглашенные члены золотошвейного цеха. После чтения молитвы мастер со словами «препоясал я пояс во имя Шахи Мардана» — завязывал пояс своему ученику, символизируя этим благословение его на самостоятельное занятие ремеслом. Церемония посвящения в звание мастера заканчивалась одариванием учителя полным комплектом одежды или халатом — в зависимости от достатков — и угощением. Соответствующие подарки (халат или отрез материи) получали от вновь посвященного мастера бобо, аксакал и пойкара цеха. Мастер, отпуская ученика, давал ему иногда (главным образом в тех случаях, когда ученик был малосостоятельным) для начала самостоятельного дела необходимый инструмент, пяльцы, ножницы, рисунок. Если ученик, получивший разрешительную молитву на право самостоятельного занятия ремеслом, не был достаточно состоятельным, чтобы завести свое самостоятельное дело и заявлял о своем желании остаться на работе у своего учителя, то он продолжал работать у него на правах наемного рабочего, и обе стороны договаривались при этом об условиях и оплате труда.

Как и всякая другая феодальная организация, объединение ремесленников-зардузов считалось освященным религией. Ремеслу золотого шитья (как, впрочем, и любому ремеслу в Средней Азии) приписывалось божественное происхождение: первым мастером-зардузом и первым учителем ремесла, а также и незримым духовным покровителем — пиром цеха считался Хазрат Юсуф (святой Иосиф).

Долгое время зардузами сохранялся обычай поминования пиров — покровителей ремесла — «арвохи-пир». Раз в году с наступлением весны, обычно в день весеннего праздника «гули-сурх», все зардузы выезжали в селение Бахауддин под Бухарой, где приносили в жертву барана и устраивали жертвенное угощение.

Небольшая книжечка у зардузов — «рисоля» содержала легендарный рассказ о возникновении ремесла, некоторые правила и те молитвы, которые нужно было обязательно произносить при начале каждой отдельной операции. По рассказам мастеров, еще до недавнего времени существовали особые чтецы рисоля — «рисолячи», считавшиеся потомками духовного покровителя ремесла — «пирзода» (потомок пира-покровителя). Два раза в неделю, до воскресенья и четвергам, рисолячи обходил все золотошвейные мастерские, где, собрав вокруг себя ремесленников, читал им принесенную с собой рисоля, сопровождая чтение соответствующими пояснениями. Чтение происходило обычно за чаепити-

хизмат ҳақи деб арзон мато ёки арзон чопон берилган, холос.

Уюшма устасидан узлуксиз ва машаққатли ҳунар таълимини олган ва бу ҳунарда мустақил ишлай бошлаш учун уста оқ фотиҳа берган кишигина уюшмага аъзо бўлган.

Бухоро усталарининг зардўзлик касби отадан болага мерос бўлиб келган. Асли зардўз бўлган оиланинг ўғил фарзанди отасидан зардўзликни ўрганиб, ўз навбатида у ўз болаларига ўргатган. Пушти камаридан ўғил бўлмаган оталар бу касбни энг яқин қариндошларига ўргатганлар. Касбнинг авлоддан-авлодга мерос қолиши одатдаги ҳол бўлганига қарамай, зардўзлик ҳам бошқа касблар билан бир қатордан ўрин олган. Унинг таркибида биз мисгарларни ҳам, заргарларни ҳам, деҳқонларни ҳам кўришимиз мумкин.

Зардўзлик касбини ўргатиш учун 10—12, айрим ҳоллардагина ундан каттароқ ёшдаги болаларни жалб этганлар. Болани уста олдига олиб бориш ўзига яраша тантана бўлган. Боланинг ота-онаси ва қариндош-уруғлари бўй деган бўғирсоқ ва ҳолвайтар қилиб, устанинг хузурига келганлар ва «боланинг гўшти сизники, суяги бизники», қабилда гаплар билан унинг ихтиёрига топширганлар. Келтирилган пишириқлар ўша пайтдаёқ биргаликда таяовул этилган.

Уста болага ҳунар ўргатишдан ташқари бутун ўқиш давомида уни озиқ-овқат билан таъминлаб ҳам турган. Иккала келишувчи томон орасида ёзма равишдаги шартномалар бўлмаган. Касб ўргатиш текин олиб борилган. Янги шогирдга чинакам таълим бериш ишларини уста бирданига бошлайвермаган. Дастлабки пайтларда шогирд уй юмушларига қарашган, устанини супуриб-сидирган, сув ташинган, бозор-ўчар қилган, тикувчиларга ёрдам берган, ондасонда иш орасида, унча-мунча қатим тортиб турган. Орадан бир йил ё ундан сал кўпроқ муддат ўтгандагина унга тикиш сирлари ўргатила бошланган. Шогирдга маблағ тўлаш борасида маълум қонда бўлмаган. Ҳунар ўргатиш муддати ҳам чекланмаган. Таълим бериш 4 йилдан 7 йилгача давом этган, борди-ю, шогирди ўта қобилиятли чиқиб қолса, бундай малакали ишчисидан маҳрум бўлишни истамаган устоз уни 8—10 йилгача ҳам сақлаган. Бундай пайтларда шогирд оқсоқолини ўртага солиб, устаси тезроқ рухсат беришини сўратган. Борди-ю, шогирдининг талаби ўринли бўлса, оқсоқол устадан шогирдига ё оқ фотиҳа беришини ёки бўлмаса меҳнатига ҳақ тўлаши лозимлигини айтган. Албатта, шогирдга тўланадиган ҳақ халфаларга тўланадиган ҳақдан анча кам бўлган.

Норозилик пайдо бўлмаслиги учун уста қисқа вақт ичида зардўзлик сирларини пухта эгаллаган лаёқатли шогирдларига аҳён-аҳёнда четдан иш олишига монёлик қилмаган. Гап шундаки, тушган даромадининг каттагина қисми устанинг чўнтагини қаппайтирган, ундан ортгани шогирдга қолган.

Таълим муддатини ўтаган шогирд устозидан оқ фотиҳа олган. Шогирднинг уйга қайтиши ўзи бир маросим бўлган. Уни «арвоҳи пири миён бандон» деб аталиб, касб-ҳунар ҳомийларининг руҳи қўллаб юрсин деган маънони англатган. Бу маросим шогирднинг зиммасига тушиб, зардўзлик уюшмаси аъзолари иштирокида унинг уйида ўтказилган. «Шоҳи Мардон ҳаққига беллингга белбоғ боғладим» — дея фотиҳа ўқиб уста шогирдининг белига белбоғ боғлайди ва шу билан унга зардўзлик касби билан мустақил иш бошлайверишига ижозат беради. Маросим қунида устозга бош-оёқ сарпо, тугун инъом қилинган. Бундай тугунлардан бобо, оқсоқол ва пойкор ҳам қуруқ қолдирилмаган, албатта.

тажже денежная компенсация от владельцев вещей, проданных во время ярмарки. Подарки — халаты, отрезы материи и т. д. аксакал получал при выполнении разных цеховых обрядов (например, посвящение ученика в мастера), во время семейных праздников и торжественных событий у членов цеха.

Для выполнения различного рода поручений, связанных с делами цеха, в помощь аксакалу избирался «пойкор» из числа молодых мастеров, он так же, как бобо и аксакал, никакого установленного вознаграждения не получал. Оплатой его трудов были те скромные подарки (отрез ситца или дешевенький халат), которые ему подносили на различного рода торжествах, устраивавшихся членами цеха, где он являлся всегда непременным помощником.

Членом цеховой организации имел право быть только тот, кто прошел продолжительный и трудный курс обучения ремеслу у цехового мастера и получил от своего учителя разрешение на самостоятельное занятие ремеслом. Искусство золотого шитья у бухарских мастеров носило наследственный характер. Оно передавалось от дедов и отцов сыновьям и внукам, в таких семьях все дети мужского пола занимались профессией своего отца — золотым шитьем, и сами, в свою очередь, передавали ее своим детям. В тех случаях, когда не было наследников по прямой линии, профессию передавали племянникам или другим близким родственникам. Несмотря на обычно наследственную передачу ремесла, цех золотошвеев в то же время не был и тесно замкнутой корпорацией. В ее составе мы находим выходцев и из других профессий — медников, ювелиров, крестьян и т. д.

В обучение золотошвейному ремеслу отдавали мальчиков в возрасте 10—12 лет, изредка — старше. Отдача в обучение сопровождалась своеобразной церемонией. Родители или родственники мальчика отправлялись с ним к мастеру, захватив с собой подношение в виде блюда с особого сорта пирожками — «буй» и сладкого мучного киселя — «хальвон-тар», которые специально изготовлялись для разного рода религиозных обрядов. Получив согласие мастера, ему предлагали принесенное угощение, которое тут же и съедалось присутствующими в знак благополучного начала дела. Кроме обязательства обучать мальчика ремеслу, мастер должен был прилично содержать его (кормить, одевать, обувать) в течение всего времени обучения. Никаких письменных условий между договаривавшимися сторонами не заключалось, обучение было бесплатным. К настоящему обучению ремеслу нового ученика мастер-учитель приступал не сразу. На первых порах ученик выполнял разного рода домашние работы: следил за порядком и чистотой в мастерской, носил воду, ходил на рынок за провизией, прислуживал работавшим у хозяина вышивальщикам и лишь урывками, между делом, присматривался к работе. И только по прошествии года, а иногда и больше, его начинали понемногу приучать к вышивальному делу. Никакой определенной платы ученик за все время своего обучения не получал. Строго установленного срока обучения не было. В среднем обучение продолжалось от 4 до 7 лет, но нередки были случаи, когда мастер задерживал у себя ученика и до 8—10 лет, не желая лишиться дарового квалифицированного рабочего. Ученики, срок обучения которых сознательно затягивался учителем, обычно прибегали к посредничеству аксакала, прося его ходатайствовать за них перед мастером. Если старшина цеха находил, что притязания ученика основательны, он предлагал мастеру или

гирдлар бир-икки йил ишлаб маълум тажриба орттиргандан кейингина ҳафтасига уч-тўрт танга ҳақ олганлар. Маош дам олиш куни бўлган ҳар пайшанба бериб борилган. Бунинг қушбеги идорасидан **мирзо** тузган ҳисоб-китоб бўйича берилган. Усталар ҳам сира маош олмайдиган шогирдларига бир неча пул (пул — тийиннинг учдан бир қисми) берганлар. Устахонадаги бир кунлик озик-овқат шогирдлар учун мисоли бир маош ҳисобланган. Шогирдлар ўша озик-овқатни ё уйларига олиб кетишган, ёки камбағалларга сотиб, тушган пулни ўртада тенг тақсимлашган. Шошилинич буюртмалар тушган чоғларда усталар кечаси ҳам қолиб ишлаганлар. Бунинг учун малакаси қандай бўлишидан қатъий назар киши бошига бир тангадан **кори** шаб ёки шаб пули қўшимча ҳақ тўланган. Қўшимча иссиқ овқат ҳам берилган. Зарур бўлган чоғларда усталарни уларнинг розилигига қараб жума кунлари ҳам ишга жалб этганлар. Шогирдлар на кечки ишларга, на жума кунги ишларга жалб этилганлар. Тезкорлик билан қилиниши лозим бўлган буюртмани шартнома асосида усталар уйларига олиб кетганлар.

